

Ибайдуллаев Қудратилло,

Андижон давлат педагогика институти “Миллий
ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими”
кафедраси профессори вазифасини бажарувчиси,
доцент

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ОРЗУСИГА ЭРИШИШДА ИЛМ-ФАН ВА МАЪНАВИЯТНИНГ РОЛИ

УЎК: 371

[HTTPS://DOI.ORG/10.34920/SO/VOL_2025_ISSUE_3_1](https://doi.org/10.34920/SO/VOL_2025_ISSUE_3_1)

ИБАЙДУЛЛАЕВ Қ. УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ОРЗУСИГА ЭРИШИШДА ИЛМ-ФАН ВА МАЪНАВИЯТНИНГ РОЛИ

Мазкур мақолада бир аср муқаддам жадидчилик ҳаракатининг юртимиздаги намояндалари куйиниб таъкидлаган: “Темирчининг боласи тарбият топса бўлур олим, бузулса хулқи, Луқмон ўғли бўлса, бўлғуси золим”, “Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилатдир”¹, деган пурмаъно сўзларининг нақадар тўғри эканлигини глобаллашган замон ўзи исботини кўрсатиб қўйганлигини ёритиб беришга ҳаракат қилинган.

Давлатимиз мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ёшларни замонавий таълим ва тарбия олишлари масаласига жиддий эътибор берганлиги, айниқса сўнгги саккиз йил мобайнида ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мамлакат, халқ, миллат учун ўта муҳим эканлигини нафақат ҳуқуқий асосларини, балки амалий саъй-ҳаракатларини амалга оширилаётганлиги тўғрисида тўхталган.

Шу билан бирга буюк мақсадларга эришиш борасидаги баъзи муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича айрим фикр-мулоҳаза ва тавсиялар берилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: стратегия, концепция, цивилизация, хаб, стартап, маънавият, маърифат, маданият, учинчи ренессанс, глобаллашув, меҳнат бозори, бандлик, “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғояси, “Учинчи Ренессанс – Янги Ўзбекистон” ғояси.

ИБАЙДУЛЛАЕВ К. РОЛЬ НАУКИ И ДУХОВНОСТИ В ДОСТИЖЕНИИ ТРЕТЬЕГО РЕНЕССАНСА

В статье предпринята попытка раскрыть то, что сама эпоха глобализации доказала, насколько верны глубокие по смыслу следующие слова, высказанные с сожалением сто лет назад представителем движения джадидизма в нашей стране: «Сын кузнеца может стать учёным, если он правильно воспитан, а если не воспитан, сын мудреца может стать тираном», «Знание – очень высокая и святая добродетель для человека». Было отмечено, что с первых лет независимости в нашем государстве уделяется серьезное внимание вопросу современного образования и воспитания молодежи, особенно в последние восемь лет, для страны, народа, нации очень важна всесторонняя поддержка молодого поколения, реализуются не только правовые основы, но и практические усилия.

Вместе с тем приводятся некоторые проблемы достижения намеченных целей и некоторые мнения и рекомендации по их устранению.

Ключевые слова и понятия: стратегия, концепция, цивилизация, хаб, стартап, духовность, просвещение, культура, третий ренессанс, глобализация, рынок труда, занятость, идея «От национального возрождения к национальному подъему», идея «Третий Ренессанс – Новый Узбекистан».

¹ Абдулла Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992.

IBAIDULLAEV K. ROLE OF SCIENCE AND SPIRITUALITY IN ACHIEVING THE THIRD RENAISSANCE

The article attempts to reveal that the era of globalization itself has proven how true the deeply meaningful following words were, expressed with regret a hundred years ago by a representative of the Jadidism movement in our country: *"The son of a blacksmith can become a scientist if he is properly educated, and if not educated, the son of a sage can become a tyrant," "Knowledge is a very high and holy virtue for a person."*

It was noted that since the first years of independence, our state has paid serious attention to the issue of modern education and upbringing of youth, especially in the last eight years, comprehensive support for the younger generation is very important for the country, the people, the nation; not only the legal framework is being implemented, but also practical efforts.

At the same time, some problems in achieving the intended goals and some opinions and recommendations for eliminating them are given.

Key words and concepts: strategy, concept, civilization, hub, startup, spirituality, education, culture, third Renaissance, globalization, labor market, employment, the idea "From national revival to national upsurge", the idea "Third Renaissance - New Uzbekistan".

***"Келгусида Учинчи Ренессанс пойдеворини яратадиган янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоийлар қаердан пайдо бўлади? Бу улкан вазифаларни ким бажаради? Мен қайта-қайта такрорлашдан чарчамайман. Албатта, бу эзгу ғояларни сизлар – бугунги Янги Ўзбекистон ёшлари амалга оширасизлар"*¹.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан кейинги йилларда кўтарилган, давлат, миллат, халқимиз тақдирига бевосита таъсир қилган иккита муҳим, устувор, керак бўлса "ҳаёт-мамот" масаласи, деб ҳисобланган "Ёшларнинг маънавияти ва таълими"ни замон талаблари даражасига кўтаришга бағишланган машварадни моҳиятини англаш, уни халқимиз онгига сингдириш ва уни рўёбга чиқариш долзарб ҳисобланади.

Яна бир аҳамиятли томони – Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизини ўттиз ёшгача бўлган, 30 фоизини эса 18 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилар экан! Шунинг учун ҳам ёш авлодни буюк аждодларимизга муносиб этиб тарбиялаш, давлатнинг устувор вазифасидир.

Биринчиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2023

йилнинг 22 декабрида ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишидаги *"Маънавият ҳаётимизда янги куч, янги ҳаракатга айланиши керак"* номли нутқи. Унда давлат раҳбари тарихий манбаларга таяниб, *"Ватан ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар кучайган вазиятда айнан миллат фидойилари – уйғоқ қалбли зиёлилар, шоир ва адиблар, санъат намояндалари, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққанлар"*, деб бежиз таъкидламади².

Хақиқатан ҳам Ўзбекистон халқи юртимизни ўз тараққиётининг янги босқичига ўтаётганлигини, энди ортга қайтиш йўқлигини тушуниб етди. Бу улуғвор мақсад ва ниятларга эришишда Биринчи, Иккинчи Ренессансга ўзларининг оламшумул, умумбаша-

¹ Ёшларни эзгу интилишларини қўллаб-қувватлаш – давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 14 февраль куни ёшлар билан мулоқотдаги нутқи. // "Халқ сўзи" газетаси. 2025 йил 15 февралдаги 33-сон.

² Маънавият ҳаётимизда янги куч, янги ҳаракатга айланиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашидаги нутқи. // "Халқ сўзи" газетаси. 2023 йил 23 декабрдаги 274-сон.

рий, умуминсоний ҳиссаларини қўшган Ғарб ва Шарқ мутафаккирларининг ҳамда жадид боболаримизнинг ўлмас маънавият, илм-фан соҳасидаги бой меросини ўрганиш, уни бугунги ҳаётга миллий менталитетимизни ҳисобга олган ҳолда уйғунлаштириш, миллий-маънавий қадриятлар руҳидаги таълим-тарбияли, гўзал инсоний фазилатларга эга бўлган ёш кадрлар керак бўлмоқда.

Анжуманда маънавият ва маърифат соҳасидаги, бугунги таҳликали даврда бажарилиши кечиктириб бўлмайдиган қуйидаги долзарб вазифалар белгилаб берилди. Булар:

- Миллий ғояни ривожлантиришга методик асос сифатидаги “Дунёвий давлат концепцияси”ни ишлаб чиқиш;

- маданий-маърифий соҳани ислоҳ қилиш (4 та секторга маънавиятни ҳам қўшиш, туманларда маънавият масканларини ташкил этиш);

- театр санъатини ривожлантириш дастурини тайёрлаш;

- маданий дам олиш тизимини такомиллаштириш (беш муҳим ташаббус доирасида);

- мақом ва бахшичилик санъатини ривожлантириш;

- мусиқа ва рақс санъатини равнақ топтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

- халқаро майдонда ўзбек маданий дипломатиясини ривожлантириш;

- кино соҳасини ислоҳ этиш;

- тасвирий ва амалий санъат соҳасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- маданият ва санъат соҳасида таълим сифатини ошириш вазифаларига алоҳида урғу берилди¹.

Кўрсатиб ўтилган вазифаларнинг бажарилиши нечоғли муҳим эканлигини давлат раҳбари олдиндан англаб, уларни тезкор ва самарали ижросини таъминлаш ишларини ҳам назоратини кучайтирмоқда. Чунки, мафкуравий ички ва ташқи хавф-хатарлар аллақачон кибермаконга кўчиб ўтган. Дунё мамлакатларнинг сиёсий қарашларидан

қатъий назар маънавий-мафкуравий хуружлар барча давлатлар қатори бизнинг Ўзбекистонимизга ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда. Таҳдидлар кучайиб бораётгани ҳам, аини ҳақиқат.

Албатта, маънавият соҳасидаги ислохотларни амалга оширишда, инсон учун зарур бўлган, уларнинг моддий ҳамда номоддий эҳтиёжларини инobatга олиш ва уларни яратиш керак бўлади. Шунинг учун ҳам таълим ва тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт, туризм каби ижтимоий соҳаларни, аҳолининг яшаш ва турмуш шароитини яхшилаш иқтисодиётни ривожлантириш эвазига янада замон талаблари даражасига олиб чиқиш, ривожланган давлатларнинг бой тажрибасидан оқилона фойдаланиш катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев *“Бизнинг иккита ўқ томиримиз, таянч устунимиз бор: иқтисодиёт ва маънавият. Маънавий буюк халқ – иқтисодий томондан ҳам буюк бўлади”*², - деганлари бугунимиз шиорига айланди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар: юқори технологияли янги саноат мажмуалари, логистика ва инфратузилма тармоқлари, бизнес, IT ҳамда туризм соҳалари, деҳқон ва фермер хўжаликлари тизимли ривожланмоқда, тадбиркорлик фаолиятлари қўллаб-қувватланмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистон дунёнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган Хитой, АҚШ, Россия, Япония, Европа мамлакатлари, Ҳиндистон, БАА, Саудия Арабистони, Қувайт, Сингапур, Малайзия ва яқин қўшниларимиз каби кўплаб давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни кучайтирди.

Иқтисодиётни тез суръатлар билан ривожланиши натижасида янги ижтимоий соҳа объектлар: уй-жойлар, боғчалар, мактаблар, шифохоналар, касб-ҳунар мактаблари, коллежлар, техникумлар, олий ўқув юртлари, маданият-маърифат, туризм ва спорт масканлари барпо этилмоқда. Барча амалга оширилаётган ишлар *“Инсон қадри учун, инсон бахти учун”* мақсади ғояси асосида олиб берилмоқда.

¹ Ёшларни эзгу интилишларини қўллаб-қувватлаш – давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар билан мулоқотдаги нутқи. // “Халқ сўзи” газетаси. 2025 йил 15 февралдаги 33-сон.

² <https://www.gazeta.uz>. 21.11.2024 й.

Иккинчиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан жорий йилнинг 14 февраль куни мамлакат ёшлари билан *“Ёшларнинг эзгу интилишларини қўллаб-қувватлаш – давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши”* мавзусида видеоселектор шаклида ўтказилган мулоқот мавзусининг моҳиятини тушунишнинг аҳамияти хусусида¹.

Мулоқотдаги эътибордан кўриниб турибдики, миллатнинг “Олтин фонди” ҳисобланган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлат раҳбарининг диққат марказида тургани бежиз эмаслиги. Ҳақиқатан ҳам, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга киришган Янги Ўзбекистон учун мамлакат иқтисодийтини ривожлантириш туфайли ижтимоий соҳаларни, айниқса таълим ислохотларига алоҳида эътибор қилинмоқда. Қолаверса, мамлакат тараққиётини, қайта Уйғониш орзусини илм-фансиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Аввало, буюк, мураккаб, шу билан бирга бажарилиши муҳим бўлган мақсадларга эришиш учун, барча ҳаракатларнинг замини бўлган норматив-ҳуқуқий асослар яратилмоқда. Бунга яққол мисол этиб, Ўзбекистоннинг Янги Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги қонун, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ва “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги ҳамда мактабгача, мактаб, олий таълим тизимларини 2030 йилгача ривожлантириш концепциялари каби қатор ҳуқуқий ҳужжатларни кўрсатиш мумкин.

Амалий ишлар борасида тўхталсак, биргина узлуксиз таълим тизимининг таҳлили кўрсатадики, юртимизда ёшлар ихтиёрига 14 та Президент мактаблари, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар, 38 мингга яқин мактабгача таълим ташкилотлари, 10 943 та умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар мактаблари, коллежлар, техникумлар, 208 та олий ўқув юрлари берилди. Янги замонавий таълим муассасалари барпо этилиб, олийгоҳларга ёшларни қабул қилиш квоталари кескин оширилди. Натижада ёшларни мактабгача таълим

ташкилотлари билан қамрови 76,4 фоизга, олий таълим билан қамрови эса 42 фоизга етказилди².

Таълим-тарбия соҳасига давлат томонидан берилаётган улкан эътибор туфайли мактаб ўқувчиларининг Халқаро фан олимпиадаларида ютуқлари салмоғи йил сайин ошиб бормоқда. Агар сўнгги етти йилда ўқувчилар 349 та медальга сазовор бўлган бўлса, биргина 2024 йилда бу рақам 122 тани ташкил қилди³. Фидойи устозларнинг машаққатли меҳнатлари маҳсули сифатида 2030 йилга бориб, ушбу рақамлар янада оширилади, шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, ҳар икки анжуманда давлат раҳбари белгилаб берган муҳим вазифаларни амалга ошириш нафақат давлат ва нодавлат ташкилотлари, балки бутун жамият, Ўзбекистон халқининг муқаддас бурчи бўлмоғи даркор. Фикримизча, бу борада Ўзбекистон Фанлар академияси, Мактабгача ва мактаб таълими ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирликлари, Ёшлар ишлари агентлиги, “Эл-юрт умиди” жамғармаси, маънавият-маърифат ва хотин-қизлар қўмиталари ҳамда ўз-ўзини бошқариш органларининг фаоллигини бевосита янада ошириш зарурлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш муҳимдир.

Сўнгги йилларда “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали 2300 нафар ўғил-қизлар хориждаги нуфузли ўқув юрларига таҳсил олиш учун юборилди. Бу аввалги йиллардигидан деярли уч баравар кўпдир. Ва ҳозирда 1500 дан кўпроқ ёшларимиз дунёнинг илғор университетларда таълим олаётганлиги қувонарли, албатта. Яна эътиборлиси жиҳат, илмий даражали ёш олимлар сони тўрт мингдан ошди, мамлакат олимларининг 48 фоизини эса хотин-қизлар ташкил этмоқда⁴.

Буюк юнон файласуфи Арастуниинг - *“Ким фанда илгарилаб, ахлоқда оқсаса, у олдинга эмас, кўпроқ орқага кетади”*⁵, - деганларидек китобхонлик маданиятини шаклланти-

¹ Ёшларни эзгу интилишларини қўллаб-қувватлаш – давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар билан мулоқотдаги нутқи. // “Халқ сўзи” газетаси. 2025 йил 15 февралдаги 33-сон.

² Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига. // “Халқ сўзи” газетаси. 2024 йил 1 октябрдаги 201-сон.

³ Қаранг шу ерда Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига. // “Халқ сўзи” газетаси. 2024 йил 1 октябрдаги 201-сон.

⁴ www.eyuf.uz “Эл-юрт умиди” жамғармаси сайти

⁵ Hikmatlar. uz. <https://hikmatlar.uz>.

риш чоралари кўрилмоқда. Бунда Президентимиз томонидан кўтарилган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бўйича бешта муҳим ташаббуснинг биттаси ҳам китоб мутолаасини кенг ёйишга қаратилди. Анъанага айланиб бўлган "Ёш китобхон" танловининг барча босқичларида иштирок этаётган ўғил-қизларнинг сони 3 миллиондан ошиб кетди. Китобхонликни ривожлантиришда дунё халқлари тилларини ўрганишнинг ҳам муҳим роли борлигини билган ҳолда хорижий тилларни билишга бўлган қизиқиш кескин ошиб бормоқда. Ўтган уч йил ичида чет тилларини ўрганётган ёшларнинг сони 2 миллионга етди, "IELTS" имтиҳонларидан юқори балл олганлар сони эса 5 карра ошган¹.

Маълумки, ўсиб келаётган юрт фарзандлари билимли, бирор бир касб-ҳунар эгаси, ва албатта яхши шарқона фазилатлар соҳиби бўлиши муҳимдир. Шу улўвор мақсадда таълим тизимидаги қилинаётган барча ислохотлар натижасида жаҳон, мамлакатимиз меҳнат бозорига креатив фикрлайдиган, инновацион ғояларга бой ёш кадрлар кириб келмоқда. Ҳозирда меҳнат бозорига ҳар йили 600 мингдан зиёд ёш мутахассислар кириб келаётган бўлса, яна 5 йилдан сўнг бу кўрсаткични бир миллионга етказиш кўзда тутилмоқда².

Ёшларни бандлигини таъминлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятларини қўллаб-қувватлаш, керакли шарт-шароитларини яратиб бериш давлатнинг устувор сиёсатига айланди. Уларга сифатли таълим бериш, айниқса иш билан банд бўлмаган ёшларга касб-ҳунар ўргатиш, камбағалликдан чиқариш, орзу-ниятлари ва интилишларини қўллаб-қувватлашга қаратилган "Ёшлар бандлиги дастури", "Беш ташаббус олимпиадаси", "Маданият карвони", "Ҳар бир маҳалладан икки нафар дастурчи", "Ибрат дастури", "Устоз", "Ёрқин келажак", "Ватан

таянчи", "Шижоат ва ғайрат", "Маърифат улашиб", "Ёшлар дафтари" ва қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиш истагидаги ёшларга экин ерлари ажратиш, имтиёзли кредитлар, субсидиялар бериш каби кўплаб лойиҳалар ишлаб чиқилиб, кенг ҳаётга татбиқ этилаётганлигини таъкидлаш лозим.

Давлатимиз томонидан юртимиз келажаги бўлган ёшларга устувор эътибор берилиши халқаро жамоатчилик томонидан тан олинмоқда. Мамлакатимиз БМТнинг "Ёшлар – 2030" стратегиясини таъминлаётган ўнта давлатлар сафидан жой олгани бунинг ёрқин исботидир. Ушбу эътирофга жавобан яна учта муҳим ҳужжатлар қабул қилинди³.

Биринчиси, Ёшлар ишлар агентлиги жамғармаси томонидан тадбиркорлик билан шуғулланувчи ёшларга 2,5 миллиард сўмгача имтиёзли кредитлар берилиши, стартап лойиҳаларига эса 2 миллиард сўмгача инвестиция киритилиши.

Иккинчиси, олийгоҳлар битирувчиларининг бандлигини таъминлашнинг янги механизми яратилиб, бу мақсадларга Миллий банк 100 миллион доллар йўналтиради. Мазкур ишлар билан жойларда ташкил этилган ҳокимлар, банк ва корхоналар раҳбарларидан иборат комиссия шуғулланади.

Учинчиси, "Алоқабанк" АТБ ёшлар бизнесини қўллаб-қувватловчи таянч банк сифатида, уларга 100 млн. сўмгача етти йиллик муддатга имтиёзли микроқарз бериш йўлга қўйилади. Шу каби қатор саъй-ҳаракатлар натижасида деярли беш миллион аҳоли иш билан банд бўлишига эришилади.

Бугунги таҳликали замонда давлатнинг, миллатнинг, халқимизнинг тўғри йўлдан бораётганлигини аниқ-тиниқ белгилаб берган Бош Қонунимиз – Янги Ўзбекистоннинг Янги Конституциясининг 79-моддасида: *"Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради.*

¹ Ёшларни эзгу интилишларини қўллаб-қувватлаш – давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар билан мулоқотдаги нутқи. // "Халқ сўзи" газетаси. 2025 йил 15 февралдаги 33-сон.

² Ёшларни эзгу интилишларини қўллаб-қувватлаш – давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар билан мулоқотдаги нутқи. // "Халқ сўзи" газетаси. 2025 йил 15 февралдаги 33-сон.

³ Ёшларни эзгу интилишларини қўллаб-қувватлаш – давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар билан мулоқотдаги нутқи. // "Халқ сўзи" газетаси. 2025 йил 15 февралдаги 33-сон.

Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таълим олишига, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади¹.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, Жалолиддин Румий айтганидек *"Китоб ўқишдан олдин ўзимизни ўқишни ўрганаёйлик"*². Кўриниб турибдики, ҳар қандай давлат, миллат, халқнинг катта авлоди ўз ёшларининг чуқур билим, яхши тарбия олишларга эътибор қилмаса, бунинг учун етарли шарт-шароитлар яратмаса, фақат ўзининг бугунини ўйласа, бепарволик қилса, табиий пайдо бўладиган муаммоларни ўз вақтида бартараф этмаса, таъбири жоиз бўлса ёшлар қалбига йўл топа олмаса, ундай юртнинг келажаги озод, обод, ва фаровон бўлиши шубҳа остида қолиши мумкин.

Эндиликда, юқорида баён қилганмиздек, Янги Ўзбекистонни барпо этар эканмиз, Учинчи Ренессанс машъаласини буюк аждодларимиз руҳини шод қилиб, ёш авлодни ҳар

томонлама қўллаб-қувватлаб, қуйидаги таянч: *Ватанга садоқатли, тадбиркор, иродали, меҳр-оқибатли, масъулиятли, бағрикенг, меҳнатсевар, инновацион фикрлайдиган, ҳуқуқий жиҳатдан саводли ва маданиятли, мустаҳкам мафкуравий иммунитетли шаклланган* каби фазилатларга эга бўлган етук кадрларни тайёрлашимиз зарур бўлади.

Ҳар икки мулоқотдан давлат ўзининг эртанги кун истиқболини илм-фан ва таълим-тарбиясиз тасаввур этиши мумкин эмаслиги тушунилди. Бунинг учун эса албатта ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотларни *"Миллий тикланишдан – миллий юксалиш"* ғояси асосида жадал ривожлантириш талаб этилади.

Учинчи Ренессанс орзу-умидларини, яхши ниятларимизни рўёбга чиқариш учун кўп миллатли Ўзбекистон халқи, бутун жамиятимиз давлат томонидан яратилган барча имкониятлардан фойдаланган ҳолда мустақил юртимизни келажагини буюк қилишга сафарбар қилишимиз талаб этилади.

Фойдаланилган манбалар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент: "O'zbekiston" нашриёти, 2023.
2. Маънавият ҳаётимизда янги куч, янги ҳаракатга айланиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Республика Маънавият ва маърифат кенгашидаги нутқи. // "Халқ сўзи" газетаси. 2023 йил 23 декабрдаги 274-сон.
3. Ёшларни эзгу интилишларини қўллаб-қувватлаш – давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ёшлар билан мулоқотдаги нутқи. // "Халқ сўзи" газетаси. 2025 йил 15 февралдаги 33-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги "Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида"ги 1059-сон қарори. - <https://lex.uz/docs/4676839>
5. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар: 2-жилд. О.Шарофиддинов ва бошқалар таҳририда. - Т.: "Маънавият", 1998. - 48 б.
6. <https://uza.uz>

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент: "O'zbekiston" нашриёти, 2023.

² Ziyouz.uz